

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА №1

Тошкент в.

2022 йил “ 6 ” июнь

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент вилояти Оққўрғон туман ҳокимлиги Б. Қаримджанов бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “INFINITY ART PROJECT” МЧЖ номидан Устав ва АЛ-001581-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Джалилов. А.А. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Оққўрғон туман Учтепа маҳаласи ва 32-мактаб филиалини газлаштириш Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш экспертиза ва техник шарт хулосасини олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва кидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1-илоvasида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан **41 000 000 (қирқ бир миллион)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи 5 иш куни ичида шартнома баҳосининг 30% фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-илоvasида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилиқ қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилиши ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни

топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдориди, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни

бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

9.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

9.5. Ушбу шартнома 30 апрелга қадар амал қилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

БАЖАРУВЧИ



Б. А. Карамужиев

" INFINITY ART PROJECT " МЧЖ
" INFINITY ART PROJECT " МЧЖ

Юридик манзили:

Тошкент в. Қибрай тумани, Дўрмон М.Ф.Й
Маърифат кўчаси 6-уй
х/р: 20208000905509265001
АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Қибрай филиал
МФО: 00884 СТИР: 309415021
ОКЭД:
(97) 122-11-00

Директор _____

Джалилов. А. А.





«TRIBUNAS PLEBIS» АДВОКАТЛИК БЮРОСИ

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори - юз кўчаси, 13а-уй, 6-хонадон; тел: +998 97 736 15 15

2022 йил 1 июнь

Қибрай тумани

01.06.2022 йилдаги №1-сонли шартномага

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

“Tribunas Plebis” адвокатлик бюроси адвокати А.А.Махмудов, Тошкент вилояти Оққўрғон туман ҳокимлиги ва хўжалик юритувчи субъект “Infinity Art Project” Маъсулияти чекланган жамият ўртасида 2022 йил 1 июнда тузилган “Оққўрғон туман Учтепа маҳалласи ва 32-мактаб филиалини газлаштириш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, экспертиза ва техник шарт хулосасини олиш” бўйича №1-сонли қиймати 41 000 000 (қирқ бир миллион) сўм бўлган шартнома лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларидан келиб чиқиб:

- шартнома предмети;
- шартнома баҳоси ва тўлов шартлари;
- тарафларнинг мажбуриятлари;
- ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби;
- конфиденциал маълумотларни химоялаш;
- тарафларнинг жавобгарлиги;
- форс-мажор ва низоларни ҳал қилиш тартиби;
- шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби;
- лужупловчи қоидалар;

тарафларнинг реквезитлари деб номланувчи бандлардан ва унга қилинган иловадан иборат тартибда тўғри тузилган.

Мазкур шартнома лойиҳаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ келади.

Шартномада тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 324-339, 333, 451-456-моддаларига

хамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-36 моддаларига мувофиқ келади.

Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган бўлиб, шартнома бандлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 437-456-моддалари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Эслатма: мазкур шартнома лойиҳасига унинг матнидан келиб чиқиб ҳуқуқий хулоса берилди, шартномавий мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида келиб чиқувчи низоларга адвокат жавоб бермайди.

“Tribunas Plebis”
адвокатлик бюроси адвокати



А.А.Махмудов

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 90944 на приобретение Оққўрғон туман Учтепа маҳаласи ва 32-мактаб кўчаларини газлаштириш Лойиҳа-смета ҳужжатларини таёрлаш экспертиза ва техник шарт ҳулосасини олиш

Способ проведения электронный

Дата 30.05.2022

Время рассмотрения 30.05.2022 13:46

Конкурсная комиссия Оккурғон тумани Хоқимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	BABASAIIDOV SAYDINOM SAIDAKRAMOVICH	Хоқим биринчи ўрин босари	Хоқимият
Секретарь комиссии	SARIQULOV UBAYDULLA ABDULLAYEVICH	Бош ҳисобчи	Хоқимият
Член комиссии	QO'SHBOYEV ABDULANAT ABDUKARIMOVICH	Ҳўжалик ишлар мудир	Хоқимият
Член комиссии	MIRZAKULOV SHUXRAT UMATKULOVICH	Курилиш массалалари бўйча ўрин босар	Хоқимият
Член комиссии	RAXMANOV OLIMJAN SOLIJANOVICH	Ёшлар сиёсати бўйча бош мутахасис	Хоқимият
Член комиссии	BERKINOV ISKANDAR SHERALI O'G'LI	Курилиш масалалари бўйча бош мутахасис	Хоқимият

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.05.2022 года № лота 90944.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по комплексной экспертизе предпроектной, проектной и тендерной документации
Подробное описание	Оққўрғон туман Учтепа маҳаласи ва 32-мактаб филиалини газлаштириш Лойиҳа-смета ҳужжатларини таёрлаш экспертиза ва техник шарт ҳулосасини олиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	43 200 000.00
Стартовая сумма	43 200 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Умумий иш тажрибаси иш фоаляти даврида бажарилган ишлар тўғрисида малумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Охрғи беш йил бажарган ишлари

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INFINITIY ART PROJECT MCHJ	10	41000000	10	Экспертная		
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	10	5 yillik ish tajribasi	5	Экспертная		
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	10	bajarilgan ishlar	5	Экспертная		

Критерий №2 Молиявий барқарорлиги солиқ тўловларидан қариздорлиги мавжуд бўлмаган кредит тўловларидан ўз вақтида тўланаётганлиги ёки кредит олинмаганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Оққўрғон тумани Қўштапа МФЙ Пахтакор қишлоғини ичимлик сув билан тامينлаш Лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза қилиш учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INFINITIY ART PROJECT MCHJ	10	41000000	10	Экспертная		
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	10	kredit yoqligi malumoti	10	Экспертная		
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	10	qarzi yoqligi	10	Экспертная		

Критерий №3 Ишларни бажариш учун литсензияни мавжудлиги техник шарт олиниши газлаштирилган худуднинг йиллик газ олиш ҳисоби

Тип: Текстовое значение

Описание: Лицензия Гувоҳнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INFINITIY ART PROJECT MCHJ	10	41000000	10	Экспертная		
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	10	litsenziya	10	Экспертная		
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	10	litsenziya	1	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳа смета хужжатларини уз вақтида ва сифатли тайёрлаб етказиб бериш. Лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаш учун жойига чикиб ўрганиш керак. Лойиҳа смета хужжатларини экспертиза куригидан утказиб бериш керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Оққўрғон туман Навбахор МФЙ Янгижой Қишлоғини газлаштириш Лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза қилиш учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
INFINITY ART PROJECT MCHJ	30	41000000	30	Экспертная		
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	30	loyiha-smeta	25	Экспертная		
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	30	loyiha-smeta	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	43 200 000.00	40 999 000.00	26.05.2022 21:46:10	30.00
INFINITY ART PROJECT MCHJ	43 200 000.00	41 000 000.00	26.05.2022 20:02:24	30.00
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	43 200 000.00	42 750 000.00	27.05.2022 10:37:38	28.77

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси	58.3331	30	88.3331
INFINITY ART PROJECT MCHJ	70	29.99927	99.99927
МУХИДДИН ИШОНЧ БАРАКА Х К	30.3331	28.77123	59.10433

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 90944 от 30.05.2022 года на приобретение Оққўрғон туман Учтепа маҳаласи 22-мактаб кўчаларини газлаштириш Лойиҳа-смета хужжатларини таёрлаш экспертиза ва техник шарт хулосасини олиш определила победителем:

INFINITY ART PROJECT MCHJ
300415021

и резервный исполнитель: "HASAN GAZ-SUV QURILISH" Хусусий фирмаси (300871024)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	BERKINOV ISKANDAR SHERALI O'G'LI	Согласен	
Председатель комиссии	BABASAIIDOV SAYDINOM SAIDAKRAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	QO'SHBOYEV ABDULAHAT ABDUKARIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAKULOV SHUXRAT UMATKULOVICH	Согласен	

Член комиссии	RAXMANOV OLIMJAN SOLIJANOVICH	Согласен	
---------------	-------------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП